



**PROBLEMS AND RECOMMENDATIONS FOR INCREASING THE PROFESSIONAL  
TRAINING OF RESCUERS**

**Tursunov Abdumansur Abduazizovich**

Associate Professor of the Institute of Civil Protection at the Ministry of Emergency Situations  
Academy

**Boyxurozov Mansur Rustamovich**

Ministry of Emergency Situations Academy teacher

**Toshpulatov Akramjon Adham ugli**

Ministry of Emergency Situations Academy 5th year cadet

**Annotation:**

This article reveals the root causes of the existing problems of rescuers in improving their professional training. As well as recommendations on the of modern special equipment, tools and means by rescuers to protect the population from natural and man-made emergencies, and eliminate their consequences if they occur.

**Key words:** emergency situation, rescuer, equipment, stability, prevention, perfection.

Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, содир бўлганда унинг оқибатларини бартараф этишда қутқарувчилар томонидан замонавий махсус техника, асбоб-анжомлар, таъминловчи воситалардан тўғри ва мақсадли фойдаланиши, жисмоний тайёргарлик ҳолати, вазиятни тўғри баҳолаши, тезкор қарор қабул қилиши шунингдек, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича назарий ва амалий билим савияларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар соҳада бўлгани каби, қутқарувчиларни тайёрлаш борасида ҳам умумий талаблар белгилаб берилган.

**Қутқарувчилар билан касбий тайёргарлик машғулоти** - уларнинг назарий ва амалий билимлари, қобилиятлари ҳамда қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш шунингдек, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш усулларини такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

Қутқарувчининг назарий билим даражаси ва амалий тажрибаси унинг етакчи кўрсаткичи ҳисобланади.

Қутқарувчиларни назарий ва амалий ўқитиш - уларни қидирув-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб боришга тайёрлаш бўйича олиб бориладиган узлуксиз жараён ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олган илмий – техник жараён



доимий равишда қутқарувчиларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш, қутқарув ишларини олиб бориш усулларини такомиллаштириб боришни талаб этади.

Қутқарувчиларнинг касбий ва махсус тайёргарликдан олган назарий билимларини амалда синаш ва мустаҳкамлаш, вазирлик кўрсатмаси

ва тасдиқланган асосий тадбирлар режаси бўйича амалий машқларга чиқиш, янги махсус асбоб-анжомларни синовдан ўтказиш шунингдек, қутқарувчилар фавқулодда вазиятлар оқибатларини тезкор бартараф этишда касбий, махсус, руҳий ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашда - **қутқарувчиларнинг касбий** маҳоратини ошириш бўйича чиқишлари орқали амалга оширилади.

Ёнғин-қутқарув отрядлари қутқарувчилари фуқароларни экстремал ҳолатдан қутқариш ва аҳолига ёрдам берувчи, террористик - қўпоровчилик хуружлар оқибатларини бартараф этувчи, қидирув-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга оширувчи Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий кучи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида турли тоифадаги қутқарувчиларни кенг қамровли вазифаларни бажаришга юқори савияда тайёрлашни тақозо этади. Ҳозирги кунда қутқарувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш бўйича тизимда олиб борилаётган ислохотларни, ҳориж тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни юзага чиқариш ва уларни босқичма-босқич ҳал қилиш орқали, уларни ўз касбининг етук мутахассиси сифатида тайёрлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Касбий тайёргарлик машғулотлари қутқарувчининг юқори профессионал тайёргарлигида муҳим ўрин тутиб, турли жиҳатлари (ўқув соатлари, давомийлиги ва ҳ.к.) билан дастлабки, бошланғич тайёргарлик

ва малака ошириш ўқув курсларидан фарқланиши ҳамда ўтказиладиган машғулотлар бир-биридан кескин фарқ қилиши керак. Бу эса ўз вақтида жойларда касбий тайёргарлик машғулотларининг ўқув Дастурига тегишлича ўзгартириш ва янгиликларни киритиб боришни талаб этади. Акс ҳолда ҳар йили бир хил ўқув материалларининг такрорланиши қутқарувчиларда уларга нисбатан салбий таассурот пайдо бўлиши мумкин.

Сўнги йилларда, қутқарувчиларга яратилаётган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган эътибор ва ишончнинг ортганлиги сари, уларнинг жисмоний, касбий ва юқори даражадаги профессионал тайёргарлиги бўйича ҳам талаб ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу талабга қутқарувчи ўтказиладиган турли машғулотларни етарли даражада ўзлаштириб, олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш қобилиятини шакллантириб, ўз соғлиги ва хавфсизлиги учун қайғурган ҳолда, доимий равишда юқори даражада бўлишини таъминлагандагина жавоб бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг **асосий принциплари** этиб қуйидагилар белгиланган:

- қонунийлик;
- инсонпарварлик ва меҳр-мурувват;



- фавқулдда вазиятлар рўй берганда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларининг устуворлиги;
- фавқулдда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда асосли таваккалчилик ва хавфсизликнинг таъминланиши;
- қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларга якка бошчилик асосида раҳбарлик қилиш;
- фавқулдда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг доимий шайлигидан иборат.

Шунингдек қонунчиликда қутқарувчи мақомига ва тоифага эга бўлса, у **фавқулдда вазиятларни бартараф этиш ва фавқулдда вазиятларни бартараф этишда кечиктириб бўлмайдиган ишларга жалб этилиши** мумкин.

Ёнғин-қутқарув отрядининг шахсий таркибидан касбий тайёргарлик машғулотлари доирасида ўтказилган машғулотларни мустаҳкамлаш мақсадида, вақтинчалик машқ меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган.

Бугунги кунда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятларнинг оқибатларини тезкор равишда бартараф этишда Ёнғин-қутқарув отрядларининг турли тоифадаги қутқарувчилари томонидан кенг қамровли вазифаларни бажаришга мукамал жиҳатдан тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг IV-боб, 23-моддаси иккинчи бандида, қутқарувчилар ўз жисмоний, махсус, тиббий, руҳий тайёргарлигини такомиллаштириб боришга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Ушбу юклатилган мажбуриятни қутқарувчилар турли кўринишдаги ўқув машғулотлари, мустақил тайёргарликлари орқалигина амалга оширишлари мумкин. Касбий тайёргарлик машғулотлари эса бу жараёнда салмоқли ўрин тутаяди.

Шунингдек, таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Машғулот раҳбари бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратаяди ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажараяди. Шу нуқтаи назардан, қутқарувчиларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этишда интерактив услублардан фойдаланиб ўтказиш бугунги куннинг талабидир. Ҳозирги шароитда педагогик технологиялар асосида машғулотларни ташкиллаштириш бутун жаҳон таълим стандартлари талабларига мос равишда дарс ўтиш декмақдир.

Интерактив услублар, сифатли ва самарали таълим бериш, қутқарувчилар шахсий таркиби томонидан ўтилган мавзунини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш йўлидаги воситалардан бири ҳисобланади.



Қутқарувчиларни касбий тайёргарлик машғулотлари билан ўз вақтида шуғулланишлари ҳамда назарий ва амалий машғулотларни юқори савияда ташкил этиш бўйича ҳозирги кунда бир қанча муаммолар мавжуд.

Бу муаммолар эса ўз навбатида қутқарувчилар томонидан уларга белгиланган малака талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини келтириб чиқариши мумкин.

Ҳозирги кунда Ёнғин-қутқарув отряди қутқарувчилари билан касбий тайёргарлик машғулотларини ўз вақтида, юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ бўлган айрим камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- қутқарувчилар билан касбий тайёргарликни ташкиллаштиришга тааллуқли бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, низомлар, йўриқномалар ва режаларнинг талаблари касбий тайёргарликни ўтказишга масъул бўлган мутахассис-ходимлар томонидан тўлиқ бажарилмаётганлиги;

- жойларда ўқув-моддий базанинг тўлиқ мавжуд эмаслиги;

- касбий тайёргарлик машғулотлари ва уларнинг ўтказилиш сифати ҳудудий бошқарма раҳбарияти (таркибий тузилмалар командирлари) томонидан ўз вақтида тўлиқ назорат қилинмаслиги;

- ҳудудий бошқармаларда (таркибий тузилмалар) йўриқчи-қутқарувчи лавозимига қутқарувчиларнинг нотўғри тайинланиши (малака, тажриба ва билим даражаси етишмайди), назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда давлат тилида мавзулар бўйича маъруза слайдлари, интерфаол таълим услублари, видеофильмлар, мавзуларни қизиқарли ёритишга керакли турли хил видеороликларнинг йўқлиги шунингдек, мавжуд ўқув синфлари компьютер, мультимедиали проектор ёки телевизорлар билан замон талаблари асосида жиҳозланмаганлиги;

- соҳа йўналиши бўйича адабиётларнинг кўп қисми рус ва ҳорижий тилларда эканлиги инобатга олинса, қутқарувчиларнинг аксарият қисми рус ва ҳорижий тилларни етарли билмаслиги шунингдек, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалардаги кутубхоналарда соҳа йўналишлари бўйича давлат тилидаги адабиётлар, қўлланмалар ҳамда ўқув фильмларнинг ва турли кўринишдаги ўқув тренажерларнинг (симулятор) йўқлиги;

- ҳудудий Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказлари ва Ёнғин-қутқарув отрядларининг дарс ўтишдаги ўзаро ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилмаганлиги.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ушбу муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида, ҳорижий давлатларда қутқарувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш борасидаги ютуқлари бўйича тажрибасини ўрганишни тақозо қилади.

Юқорида билдирилган муаммоларнинг дастлабки ечими сифатида қуйидагилар таклиф этилади:



**биринчидан**, қутқарувчилар билан касбий тайёргарликни ташкиллаштиришга тааллуқли бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, низомлар, йўриқномалар ва режаларнинг талаблари касбий тайёргарликни ўтказишга масъул бўлган мутахассисларнинг маъсулиятини ошириш ва раҳбарлар томонидан мазкур фаолият бўйича тадбирлар биринчи ўриндаги иш сифатида назорат қилиниши;

**иккинчидан**, жойлардаги ўқув-моддий базани (полигон, бассейнлар) яратиш ёки такомиллаштириш ҳамда замонавий махсус техника ва асбоб-анжомлар билан имкон қадар ўз вақтида таъминлаш;

**учинчидан**, ҳудудий бошқармаларда (таркибий тузилмалар) йўриқчи-қутқарувчи лавозимига малакаси, тажрибаси ва билим даражаси етук шу билан бирга назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш юзасидан кўникмалари етарли бўлган ходимларни тайинлаш.

**тўртинчидан**, дарс машғулотларини ўтказишда мавзулар бўйича давлат тилида маъруза слайдлари, интерфаол таълим услублари, видеофильмлар, мавзуларни қизиқарли ёритишга керакли турли хил видеороликлар орқали замон талаблари асосида жиҳозланган ўқув синфларида компьютер, мультимедиали проектор ёки телевизорлардан кенг фойдаланган ҳолда олиб бориш тавсия этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами) I, II ва III томлар.
2. Абдуллаева Х.А. “Машғулотларда фаол таълим усулларида фойдаланиш”. Фарғона, 2008 йил.
3. Дехқонов А.А., Саидхонова Н.Ж., Мақсудхонова О.И. “Интерактив услублар”. Услубий қўлланма. ФМИ, 2014 йил.
4. Фральнова Т.А. “Предложения по совершенствованию техники и технологии обучения спасателей”. Мат. науч. конф. “Системы обучения” - Академия ГПС МЧС РФ. 2015 год.
5. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Нейматов И. “Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами”. Тошкент, 2013 йил.
6. Холиқова З., Рўзиева Д.И., Усмонбоева М.Х., “Интерфаол методлар, моҳияти ва қўлланилиши”. Методик қўлланма, Тошкент, 2013 йил.